Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 28 август, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 69 (7162)

**Da`vat**

Донога ёндошгил,
қоч нодондан сан,
Ҳатто у хавфлидир
доно душмандан.

Жалолиддин
РУМИЙ

**Ibrat**

Навоий вилояти Конимех туманидаги туячилик ва йилқичиликка ихтисослашган «Маданият» ширкат хўжалигида тайёрлана бошланган шифобахш ичимлик – туя сути асосан болалар боғчаларига ва шифохоналарга етказиб берилмоқда.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонини бериш тўғрисида

*Давлат ва халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги улкан фаолияти, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки ҳамда миллий истиқлол ғояларини амалга оширишга қўшган салмоқли ҳиссаси ва қаҳрамонона меҳнатлари учун қуйидагиларга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилиб, Олий нишон "Олтин Юлдуз" медали топширилсин:*

**Воҳидов Эркин** — Ўзбекистон халқ шоири

**Исматова Мавлюда** — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, Юнусобод тумани 273-ўрта мактаб директори, Тошкент шаҳри

**Рахматова Мартия Ахмедовна** — "Бухоротекс" ҳиссадорлик жамияти 1-йигирув-тўқув фабрикасининг йигирувчиси, Бухоро вилояти

**Саид Аҳмад (Ҳусанхўжаев Саид Аҳмад)** — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

**Умаров Улуғбек Юнусович** — Фарғона автомобиль йўлларидан мунтазам фойдаланиш бошқармасининг автоскрепер ҳайдовчиси, Фарғона вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*1999 йил 25 август.*


Эркин Вохидов


Мавлюда Исматова


Мартия Рахматова


Саид Ахмад


Улугбек Умаров

## ОЛАМ УЗРА ЯНГРАР ШАРҚ ТАРОНАСИ

26 август куни қадим ва навқирон Самарқандда жаҳоншумул аҳамиятга молик улкан санъат анжумани - "Шарқ тароналари" иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан иккинчи бор ўтказилаётган мазкур нуфузли тадбир маданиятимизни янада чуқур ўрганиш ва юксалтиришга, миллий санъатимизни жаҳон миқёсида тарғиб этишга, ёшларни бой анъаналаримиз руҳида тарбиялашга қаратилаётган эътибор намунасидир.

Регистон майдонига ташриф буюрган республика ҳукумати аъзолари, республика идора ва ташкилотлари раҳбарлари, дипломатик корпус, жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари мухбирлари, узоқ-яқин мамлакатлардан келган меҳмонлар Президент Ислом Каримовни олқишлар билан кутиб оладилар.

"Шарқ тароналари" иккинчи халқаро мусиқа фестивали очилишидан дарак берувчи садолар янграйди. Анжуманда иштирок этаёттан ўттиздан зиёд мамлакат санъаткорлари саҳнага кириб келадилар.

Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Юртбошимиз "Шарқ тароналари" иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг очилиши билан барчани муборакбод этди.

— Мана шу қадимий ва афсонавий, бетакрор ва гўзал, азим Самарқанднинг маркази бўлмиш муаззам Регистон майдонида туриб, бир зум хаёлга чўмайлик, — деди Президент. — Шунда биз муқаддас, кўҳна заминимизда қутлуғ излари қолган улуғ аждодларимиз, мутафаккир ва авлиёларимизнинг бизга қаратилган нигоҳини сезишимиз, уларнинг асрлар қаъридан келаётган ўлмас овозларини эшитишимиз мумкин.

Не-не тарихларга гувоҳ бўлган Регистондан чиқаётган ана шу садоларга қулоқ тутсак, бу илоҳий оҳанглардан ҳозирги ва келгуси авлодларга қаратилган теран маъноли даъватларни англашимиз мумкин.

Улар гўёки: Эй одамзод фарзандлари, ақл ва юрак амрига амал қилиб, дўсту биродар бўлиб, аҳил яшанглар. Миллату элатингиздан, ирқингиз ва тилингиз, динингиз ва жинсингиздан қатъи назар, бир-бирингизга ҳурмат-эҳтиром билан қаранглар. Биз қолдирган мерос - умумбашарий, умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаб, уларга ўз ҳиссангизни қўшиб, янги етиб келаётган авлодларга, ўз фарзандингизга етказинг, деяётгандек.

Машриқу Мағрибда яратилган, буюк шарқ маданиятининг гавҳару дурдоналари бўлмиш шарқ тароналари дилингизга малҳам бериб, сизнинг руҳингизни юксалтирсин, янги-янги зафарларга чорласин! - деган садоларни шуни хоҳлаган, истаган, шунга интилган инсон, албатта, ўз қалби билан сезиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, дунёда мусиқа санъати ютуқларини намойиш этадиган фестиваль ва кўриклар кўп, лекин "Шарқ тароналари" ўзига хос ва ўзига мос бетакрор жиҳатга эга. Бу санъат торларида, аввало, маънавият устун бўлиб, инсон қалбининг энг нозик чеккаларига етиб борадиган куй ва қўшиқлардаги афсонавий шарқона гўзаллик, назокат ва нафосат, қадим-қадимдан қолган тасвирлар одамнинг хаёлида жонланади, унинг бутун вужудини қамраб олади.

"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг қисқа муддат ичида жаҳон миқёсида катта эътибор ва нуфуз қозонгани бу ҳақиқатни яна бир карра тасдиқлайди.

Агарки, маданият одамзотни яхшилик сари бошлайдиган, дунёни нурафшон айлайдиган, жоҳиллик ва ёвузликни даф этадиган, бир сўз билан айтганда, инсонни инсон қиладиган қудратли куч бўлса, дунёдаги энг улкан ва таъсирчан маданий бойлик - бу мусиқа санъатидир, деди Ислом Каримов. Ҳаётбахш мусиқий оҳанглар одамнинг қалбида энг эзгу туйғуларни, инсонийликни уйғотади. Мусиқанинг беқиёс аҳамияти ҳам ана шунда.

Йўлбошчимиз дунёдаги барча халқларни айрим минтақаларда содир бўлаёттан уруш ва ўзаро тажовузлар ташвиш ва хавотирга солаётган вазиятда "Шарқ тароналари" каби олийжаноб мақсад билан ўтказилаётган фестиваль ва кўрикларнинг аҳамияти беқиёс эканлигини алоҳида қайд этди. Шу маънода бу санъат анжумани жаҳолатга қарши маърифат билан курашишнинг яна бир кўринишидир.

Президентимиз фестивалда ўзининг бетакрор санъатини намойиш этадиган Грузия, Индонезия, Иордания, Исроил, Корея Республикаси, Лаос, Малайзия, Миср, Мўғулистон, Озарбойжон, Покистон, Руминия, Россия, Саудия Арабистони, Туркия, Тожикистон, Туркманистон, Хитой, Эрон, Қирғизистон, Қозоғистон, Ҳиндистон, Япония вакилларини, Австрия, Арманистон, АҚШ, Бангладеш, Чехия, Швеция, Швейцария, Франция, Германия ва бошқа мамлакатларнинг ижрочи ва санъаткорларини чин қалбдан қутлади. Дунёнинг турли қитъа ва олис-яқин мамлакатларидан гўзал диёримизга келиб, дилларимизни шод этиб, фестивални ҳақиқий байрамга айлантирган барча иштирокчиларга, азиз меҳмонларга бутун халқимиз номидан самимий миннатдорлик изҳор этди. Анжуманнинг фахрий меҳмонлари - ЮНЕСКО вакилларини, Халқаро мусиқа кенгаши раҳбариятини ва бошқа ҳурматли меҳмонларни қизғин қутлаб, фестивални ўтказишдаги саъй-ҳаракатлари ва хайрихоҳликлари учун уларга ташаккур билдирди.

Ишонаманки, "Шарқ тароналари" жаҳоннинг энг машҳур созанда ва хонандалари ўз ноёб истеъдодини намойиш қилиб, миллионлаб санъат мухлисларини мусиқа сеҳридан баҳраманд этадиган, халқаро миқёсда юксак нуфузга эга анъанавий мусиқа байрамига айланиб қолади, деди давлатимиз раҳбари.

ЮНЕСКО бош директорининг вакили, Бутунжаҳон мерос марказининг директори Мунир Бушенаки ЮНЕСКО бош директори Федерико Майор номидан фестиваль иштирокчиларини самимий қутлади.

Фестиваль халқаро ҳайъати раиси Харума Кашиба хоним барчани бундай улкан мусиқа байрами билан табриклаб, анжуман қатнашчиларига муваффақиятлар тилади.

Фестиваль гимни садолари остида анжуман байроғи кўтарилади.

Саҳнада халқаро фестивалнинг очилишига бағишланган "Бу ажиб дунё" деб номланган театрлашган томоша намойиши бошланади.

Ўзбек мумтоз мусиқаси ва шеърияти - кўҳна санъатимизнинг дунёвий тараққиётга, умумбашарий қадриятлар ривожига қўшган ҳиссаси беқиёс. Бунинг ифодаси сифатида саҳнада танбур, дутор, сетор, рубоб оҳанглари ғарб чолғулари билан ҳамоҳанг жаранглайди. Ўзбек қўшиқ ва рақсларига ҳинд, араб, испан, француз, япон санъати намуналари уланади.

Кўҳна Регистон майдони узра мустақил Ўзбекистоннинг улкан байроғи ҳилпирайди.

Театрлашган томоша ранг-баранг мушакбозлик билан якунланди.

"Шарқ тароналари" иккинчи халқаро мусиқа фестивали нафақат Осиё мусиқа санъати, балки бутун жаҳон маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлиб қолиши, Шарқ мусиқаси ҳамиша олам узра янграйверишининг рамзига айланиши, шубҳасиз.

Беҳзод УСМОН,
Ҳамза ШУКУРОВ,
УзА махсус мухбирлари.




## ИСТИҚЛОЛ ИНОЯТИ

**«Ma'rifat» anketasi**

**1. Мустақиллик сизнинг тақдирингизда...**
**2. У сизга нима берди?**
**3. Ва сиз Ватан мустақиллигини мустаҳкамлашга қандай ҳисса қўшаяпсиз?**

1. Ҳуррият авваламбор; ўзимизга, сўзимизга эрк берди. Педагогик жамоага таълим муассасаси тузилмасини, таълим-тарбия дастурларини танлаш ҳуқуқини берди. Таълим йўналиши, педагогик технологияларни қўллаш имконияти ҳам ўз қўлимизда. Таълим мажмуасини молиялаштириш масаласида ҳам олдимиздаги мавжуд тўсиқлар олиб ташланди.

Раҳбар учун биринчи навбатда тарбияланувчи фарзандларимизнинг эҳтиёжи, ота-оналарнинг маъқуллаши ва педагогик жамоанинг қарори керак. Шулар менга куч-қувват ва илҳом бераётир.

2. Биз ким учун ва нима мақсадда фаолият кўрсатаётганимизни англаб олдик. Мажмуамизни катта педагогик синов майдончаси деса ҳам бўлади. Мактабгача ва бошланғич таълим мажмуаси барпо этилганининг ўзи ҳам синовлар натижасидир. Бу ишни 1992-93 йилда бошлаган, бўлсак, 1996 йилда мажмуа мақомини олдик. Янги дастурлар синови ҳам шу ерда амалга оширилади. Компьютер саводхонлиги, илк хорижий тиллар ўрганиш дастурлари, болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш дастурлари шулар жумласидандир.

(Давоми 2-бетда)

## БЎЛАЖАК ОЛИМПИЯЧИЛАР КОЛЛЕЖИ

**Xushxabar**

Тайлоқ олимпия заҳиралари касб-ҳунар коллежи – мамлакатимизда спорт соҳасида илк бор ташкил этилаётган янги турдаги ўқув муассасаларидан биридир. Коллеж бўлгунга қадар ушбу даргоҳдан юртимиз шон-шуҳратини жаҳонга танитган йигирмага яқин Жаҳон, Европа ва Осиё чемпионлари учирма қилинган. Бу йил ушбу касб-ҳунар коллежига қабул қилинган 150 нафар ёш спортчилар бу ерда мавжуд бўлган бошланғич синфларда жисмоний тарбия, спорт ўйинлари, сув спорти турлари ва миллий спорт каби йўналишларда мутахассис кадр бўлиб етишиб чиқишади.

Мазкур коллежда кўтаринки руҳ билан бошланган қурилиш ва таъмирлаш ишлари қатъий график ва режа асосида олиб борилди. Бу ерда умумхалқ ҳашари ташкил этилиб, унда туман корхоналари, ташкилотлари ва хўжаликлари меҳнаткашлари астойдил меҳнат қилишди. Натижада бунёдкорлик ишлари қисқа муддат – беш ойда ниҳоясига етказилди.

25 август куни ана шу янги турдаги ўқув муассасасининг тантанали очилиш маросими бўлди. Уни вилоят ҳокими Эркин Рўзиев кириш сўзи билан очди. Анжуманда сўзга чиққан коллеж ота-оналар қўмитаси раиси Хайрулла Бобоев, коллеж директори Баҳодир Саидов, шу ўқув маскани талабаси, спортнинг самбо тури бўйича жаҳон чемпиони Бобораҳим Қосимов, «Нуроний» жамғармаси Тайлоқ тумани бўлимининг раиси Раҳим Жумановлар ёш авлодни ҳар томонлама баркамол тарбиялашда ушбу коллежнинг ўрни беқиёс бўлажагини таъкидладилар.

Коллежнинг фойдаланишга топширилишига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов, Республика Жисмоний тарбия ва спорт Қўмитаси раиси Б.Махситовлар қатнашдилар.

**Хайрулло ҲАМРОЕВ**

## МУКОФОТ МУБОРАК!

*Мустақиллигимизнинг 8 йиллик байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг саккиз йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони чиқди. Унга кўра Республикамизда фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантиришдаги улкан хизматлари, мамлакатимиз истиқлолини мустаҳкамлаш, халқимиз маънавиятини юксалтириш ҳамда тинчлик ва барқарорликни сақлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун» муносиб тақдирланганларнинг салмоқли қисми таълим-тарбия соҳаси вакилларидир. Ҳамкасбларимизни юксак мукофот билан самимий муборакбод этамиз.*

### "Буюк хизматлари учун" ордени билан

**Аҳмедов Бори** — Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси раиси, академик

**Сулаймонова Фозила Комиловна** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори, профессор

**Салимов Оқил Умурзоқович** — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири маслаҳатчиси, техника фанлари доктори, профессор

**Юсупов Шариф** — Филология фанлари доктори, профессор

**Ғаниева Суйима Ғаниевна** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди

### "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан

**Башаров Қутлуғ** — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти профессори, Ўзбекистон халқ рассоми

**Владимирова Нинель Васильевна** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий ходими, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби

**Каримов Наим Фотиҳович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти бўлим мудири, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби

**Кароматли Файзулла Музаффар ўғли** — Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик институти бўлим мудири, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби

**Мирзаев Алишер** — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти профессори, Ўзбекистон халқ рассоми

**Орипов Алижон** — Фарғона вилояти Учкўприк тумани 8-мактаб директори

### "Меҳнат шуҳрати" ордени билан

**Ахунова Гулчеҳра Назаровна** — Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги Малака ошириш институти директори, тарих фанлари номзоди, профессор

**Жўраев Тўхтамурод Жўраевич** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси президенти, академик

**Саидов Ҳалим Аманович** — "Маърифат" газетаси бош муҳаррири

**Содиқов Тўхтамурод** — Ўзбекистон Бадиий академияси Республика рассомчилик коллежи ўқитувчиси

**Ягодин Вадим Николаевич** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими Тарих, археология ва этнография институти директори, тарих фанлари доктори, профессор

**Ғуломов Саидаҳрор Саидаҳмедович** — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик

**Ҳабибуллаев Пўлат Қирғизбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси раиси, академик

### "Дўстлик" ордени билан

**Айрапетянц Леонид Робертович** — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти спорт ўйинлари кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, профессор

**Ли Лена** — Жиззах вилояти Зарбдор тумани 1-мактаб математика ўқитувчиси

**Матчанов Азат Таубалдиевич** — Қорақалпоқ давлат университетининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи проректори, биология фанлари доктори

**Мустафоев Маматқул Мустафоевич** — Бухоро вилояти Туркман миллий-маданий маркази раиси, тарих фанлари доктори, профессор

**Қўшмоқов Маҳаммадали** — «Соғлом авлод учун» журнали бош муҳаррири

### I даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

**Арутюнов Сергей Артемович** — Футбол бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг катта мураббийси

**Глинянова Любовь Михайловна** — Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти ўқув-методик бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**Каримов Эркин Шамсиевич** — Тошкент давлат аграр университети жисмоний тарбия кафедраси доценти

**Мусурмонова Ойниса** — Республика "Оила" илмий-амалий маркази директори, педагогика фанлари доктори, профессор

**Мирхолиқова Тожиниса Абдуллаевна** — Тошкент вилояти Пскент тумани 7-сон ясли-боғча тарбиячиси

**Хатамова Назира Қиёмовна** — Навоий вилояти Конимех тумани 2-мактаб инглиз тили ўқитувчиси

(Давоми 2-бетда)

Рейтинг – зарурият
3-бет

Ўткиржон жаҳон чемпиони
4-бет

## JUMLADA JAHON

• Мустақиллик арафасида Амударё узра қурилган кўприкнинг ишга тушиши натижасида Нукус ва Хўжайли шаҳарлари ўртасида троллейбус қатновини йўлга қўйиш имкони пайдо бўлди.

• Тўрткўл аэропортига қўнаётган «Тошкент-Тўрткўл» йўналишидаги самолётнинг аварияга учраши натижасида 2 киши ҳалок бўлди, 8 киши жароҳат олди, ҳукумат ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор этди.

• Андижондаги Чўлпон номли боғда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ истиқлол куйчиси, қатағон қурбонларидан бири Абдулҳамид Чўлпонга мамлакатимизнинг юксак мукофоти – Мустақиллик ордени берилганлигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

• Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида одамхўрлар гуруҳи қўлга олинди, уларнинг уч нафари руҳий хасталиклар касалхонасининг собиқ ходимлари бўлиб, 7 нафар кишини ўлдирганликда айбланмоқда.

• Россия фуқароларидан 40 фоиз эркаклар ва 17 фоиз аёллар ичкиликка ружу қўйган, деб ёзади «Сегодня» газетаси.

• Литва меҳнат биржасида мамлакатда ишсизлар сони 138,1 мингтага етгани қайд этилди.

# МУКОФОТ МУБОРАК!

(Боши 1-бетда)

### II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

**Абдуллаева Олия Нарзуллаевна** — Бухоро шаҳар енгил-саноат касб-ҳунар коллежи физика ўқитувчиси

**Маҳкамова Холида Мирфаёзовна** — Тошкент фармацевтика институти кафедра мудири, фармацевтика фанлари номзоди, доцент

**Раҳмонова Муҳаррам** — Самарқанд вилояти Сиёб тумани 5-мактаб директори

**Холмухамедова Наима** — Тошкент шаҳар 2-сон болалар мурувват уйи энагаси

**Юлдашев Вячеслав Кадирович** — Сув спорти турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг катта мураббийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

**Қурбонова Тамара Эшмурадовна** — Сурхондарё вилояти Ангор тумани 1-мактаб инглиз тили ўқитувчиси

### “Шуҳрат” медали билан

**Азларов Турғун Раҳматович** — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани 40-мактаб математика-информатика ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди

**Алимухамедов Саттор Тўхтаевич** — Тошкент давлат техника университети қошидаги лицей-интернат ўқитувчиси, физика-математика фанлари номзоди, доцент

**Алимхаджаева Фарида Джураевна** — Тошкент шаҳар С. Раҳимов тумани заиф эшитувчи болалар 106-махсус интернати сурдопедагоги, педагогика фанлари номзоди

**Болиев Облоқул Алиевич** — Жиззах вилояти Зарафобод тумани 3-мактаб директори

**Буланов Абдулмўмин Қиргизбоевич** — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти кафедра мудири, техника фанлари номзоди, доцент

**Бухорова Фотима Турсуновна** — Республика давлат болалар кутубхонаси директорининг ўринбосари

**Джалалов Жумамурат** — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани 15-мактаб директори

**Иброҳимова Муҳаррам Неъматовна** — Ўзбекистон Бадиий академияси Ижодкорлар уюшмаси аъзоси

**Илолов Хидирали Жанадилович** — Тошкент вилояти Янгийўл тумани Озиқ-овқат технологик коллежи махсус фан ўқитувчиси

**Исматов Абдулла Ахмедович** — Тошкент кимё-технология институти илмий ишлар проректори, кимё фанлари доктори, профессор

**Исмоилов Жовли** — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани 3-лицей-интернат ўқитувчиси

**Исроилова Холбону** — Навоий вилояти Нурота тумани 6-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси

**Мамажонов Рахимжон** — Тошкент темир йўл муҳандислари институти кафедра мудири, техника фанлари доктори, профессор

**Мўминхўжаев Қудрат** — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг педагогик таълим, фан ва малака ошириш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Нурмонов Абдухамид** — Андижон давлат университети профессори, филология фанлари доктори

**Очилов Исмат Очилович** — Қарши шаҳар 1-касб-ҳунар мактаби методисти

**Расулов Рустам Явкачович** — Фарғона давлат университети кафедра мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор

**Раҳимова Мухтабархон Воҳидовна** — Наманган вилояти Косонсой тумани 28-мактаб тарих ўқитувчиси

**Саломов Ҳидоят Тоирович** — Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти кафедра мудири, техника фанлари доктори, профессор

**Сон Эдуард Андреевич** — Наманган шаҳар Давлатобод тумани 18-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси

**Сувонкулов Иноятулла** — Самарқанд давлат чет тиллар институти кафедра мудири, филология фанлари доктори, профессор

**Сулайманбекова Матлуба** — Гулистон шаҳар 12-мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Тўхлибоев Олимжон** — Самарқанд вилояти фан ва техника маркази директори, доцент

**Умирзоқов Тоиржон Бегалиевич** — Андижон давлат педагогика тиллар институти лицейининг хорижий тиллар ўқитувчиси, филология фанлари номзоди

**Хожиев Маҳмуд Ҳамидович** — Бухоро тижорат коллежи директори, педагогика фанлари номзоди

**Холматов Тўрабой Умарович** — Республика кўзи ожизлар кутубхонаси директори

**Шодмонов Ғани** — Тошкент давлат авиация институти доценти

**Эргашев Мамадали** — Андижон вилояти Избоскан тумани 18-мактаб математика ўқитувчиси

**Эшчанов Рўзумбай Абдуллаевич** — Урганч давлат университети декани, кимё фанлари номзоди, доцент

**Ҳакимжонова Флюра Гашиковна** — Тошкент шаҳар 2-сон болалар мурувват уйи катта ҳамшираси

**Ҳамроева Ҳанифа Чориевна** — Бухоро енгил саноат техникуми ўқитувчиси

### “Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби”

**Юнусов Равшан Юсупович** — М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси ректори, санъатшунослик фанлари номзоди

**Қўзиев Турсунали Каримович** — Ўзбекистон Бадиий академияси раиси

### “Ўзбекистон Республикаси фан арбоби”

**Абдуғафуров Абдурашид** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти бўлим мудири, филология фанлари доктори

**Азимова Шаҳноза Содиқовна** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти лабораторияси мудири, биология фанлари доктори, профессор

**Аҳметов Ильгизар Залялович** — Гулистон давлат университети кафедра мудири, биология фанлари доктори, профессор

**Бобоев Ҳалимбой** — Тошкент давлат юридик инситиути ректори, юридик фанлари доктори, профессор

**Қосимов Бегали** — Тошкент давлат университети кафедра мудири, филология фанлари доктори, профессор

**Ҳамраев Шаҳоб Шамсиевич** — Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти травматология, ортопедия ва нейрохирургия кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”

**Аллаев Қаҳрамон Раҳимович** — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор

**Гафурова Лазиза Акрамовна** — Тошкент давлат аграр университети кафедра мудири, биология фанлари доктори, профессор

**Икромов Ҳамиджон Имомович** — М.Уйғур номидаги Санъат институти проректори, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

**Мамараимов Кўзибой** — Самарқанд саноат-иқтисодиёт коллежи директори, тарих фанлари номзоди

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор”

**Руденко Борис Иванович** — Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати “ОМЕГА” илмий-техник маркази директори

**Эгамбердиев Нуман Бабаевич** — Ўзбекистон Республикаси “Фан ва тараққиёт илмий технологик комплекси” бош илмий ходими, техника фанлари доктори, профессор

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими”

**Улуғова Муҳтарама Маматхоновна** — «Ўзтелерадио компанияси» «Маориф ва тарбия» бош муҳарририяти катта муҳаррири

**Қурбонов Тўлқин Умарович** — Тошкент давлат консерваторияси профессори

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими”

**Қодиров Муродин Холматович** — Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти клиникаси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**Соколова Ираида Анатольевна** — Тошкент врачлар малакасини ошириш институти болалар ёшида юқумли касалликлар кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими”

**Жалолов Жамол Жалолович** — Тошкент давлат педагогика университети кафедра мудири, профессор

**Фузаилов Сиддиқ** — Тошкент давлат университети қошидаги Малака ошириш институти доценти, филология фанлари номзоди

# ИСТИҚЛОЛ ИНОЯТИ

(Боши 1-бетда)

3. Таълимни интеграциялаштириш, яъни иккита-учта таълим вазифаларини битта шаклда бериш услублари ҳам синалмоқда. Бунга мисол қилиб, 2-синфларда инглиз тили билан бирга расм дарсини олиб борилишини кўрсатса бўлади. Янги ўқув йилидан эса 3-4-синфларда табиат дарсларини ҳам инглиз тилида олиб бормоқчимиз. Бунга шароитимиз ҳам, имкониятимиз ҳам, педагогик заҳирамиз ҳам етарли. Асосий омил - болалар ва ўқувчиларнинг чет тилини ўрганишдаги эҳтиёжларини қондиришдир. Мажмуа педагогларининг барчасида ишлаш, янгилик барпо этиш иштиёқи бор. Мавжуд бойликларимизга бойлик қўшиш, маънавий хазинамизни асрабавайлаб кичкинтойларга тортиқ қилиш, уни қадрлашни ўргатиш, мурғак қалбларни маънавий юксалиш сари етаклаб бориш орзусига эришдик. Жажжи ўғил-қизлар қалбида Ватан туйғусини уйғотиш, миллий ғурурни тарбиялаш ва шу азиз юртни, ўз халқи ва Ватанини севишни ўргатишдек юксак мақсад йўқлигини биламан. Чунки бу ишлар Мустақиллигимизнинг бутун дунёда тан олинишига хизмат қилади.

10 йил олдин таълим-тарбия жараёнида бундай қадам ташлашни хаёлимга ҳам келтира олмасдим. Энди эса мажмуамиз мустақил равишда чет эллик ҳамкасбларимиз билан алоқа ўрнатиш арафасида турибди. Голландиядаги айнан бизнинг мажмуага ўхшаш таълим муассасаси педагогларини мажмуамизга таклиф этганмиз. Улардан жавоб хати келишини кутмоқдамиз.

Яқинда ҳукуматимизнинг мактабгача таълим муассасаларини хусусийлаштириш ҳақида қарори чиқди. Биз бу масалани ҳам педагогик жамоа билан биргаликда фикрлашиб кўрамиз.

**Маъмура КОМИЛОВА,**
**Собир Раҳимов туманидаги 269-«Камолот» боғча-мактаб мажмуаси раҳбари**

Uchrashuv

## ҚАЛДИРҒОЧЛАР ПАРВОЗ ҚИЛИШДИ

Фарғона шаҳридаги Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номли мусиқавий комедия театри биносида қизиқарли, одатдан ташқари йиғилиш бўлиб ўтди. Бу ерга тўпланган ёш, эндигина олий педагогика ўқув юртларини тамомлаб, мактабга йўлланма олган юздан ортиқ муаллим фарғоналик ўқитувчию мураббийларнинг муносиб устози ва етакчиси, республикада илк бора яратилган “Одобнома” китобининг муаллифи, Халқ ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди Турсунали Қурбонов билан учрашдилар. Домла вилоят таълим тизимида туб ислоҳотларнинг қай йўсинда амалга оширилаётгани, мактаблар, ёш ўқитувчиларнинг олдида турган вазифалар ва ўзининг тажрибалари ҳақида сўзлаб берди. Ўзаро суҳбатлар чоғида муаллимлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Ёшлар фахрий муаллимлар ҳузурида мустақил мамлакатимизнинг маънавий қудратини юксалтириш ҳамда ўқитувчилик касбини ижодий, фидойи меҳнатлари билан улуғлаш учун қасамёд қилдилар. Устозлардан оқ фотиҳа олдилар. Шу куни Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

**Ўз мухбиримиз**

# O‘qituvchilarning Avgust kengashlari

## МАОРИФЧИЛАР БАЙРАМИ

Тошкент вилояти Халқ таълими ходимларининг кўргазмали Август кенгашлари Пискент туманида ўтказилди. Унда вилоят, туман ҳокимлиги, ВХТБ, оталиқ ташкилотлар вакиллари, илғор ўқитувчилар, фаол ота-оналар, фахрий педагоглар, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирлари, ёш мутахассислар иштирок этишди.

Анжуман аввалида иштирокчилар Ўзбекистон Республикасининг умумхалқ байрами — Мустақиллик куни арафасида, Янги ўқув йили олдидан амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш яхши анъанага айланиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Анжуманни вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег Тожиев очди. Сўнгра туман ҳокими Жўра Миролимовга сўз берилди. У туманда мустақиллик йилларида эришилган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ютуқлар, таълим соҳасини ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётиган ишлар кўламини батафсил гапириб берди.

Туман халқ таълими бўлими мудири Турдиали Умаралиев "XXI аср мактаби: якунлар, изланиш, ижодкорлик, муаммолар ва келгусидаги вазифалар ҳақида“ги маърузасида ютуқ ва камчиликларга оид маълумотларни ўртага ташлаб, батафсил шарҳлади. Асосийси, янги ўқув йилида амалга ошириладиган юмушлар кўламини санаб ўтди.

Музокараларда 1-мактаб ўқитувчиси Умринисо Комилова, туман халқ таълими бўлими тузилмасидаги ташхис маркази психологи Наргиза Қодирова, бошланғич таълим шўъбаси бошлиғи Мавжуда Бегматова, ижтимоий ва табиий фанлар шўъбаси раҳбари Абдуқаҳҳор Аҳмадалиевлар илғор иш усуллари ҳақида сўзлаш билан бирга таълим-тарбия ишларини замон талаблари даражасига кўтариш учун яна нималарга эътиборни қаратиш лозимлиги тўғрисида фикр юритдилар.

Музокаралардан сўнг сўзга чиққанлар томонидан айтилган фикрлар, таклифлар инобатга олиниб, анжуман тавсиялари қабул қилинди. Муҳими, шу аснода мактаб раҳбарларига, ўқитувчиларга "Мустақиллик сабоқлари“ни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан йўлланмалар берилди.

Анжуманнинг тантанали қисмида ўтган ўқув йилида халқ таълими соҳасида ижодкорлик билан фаолият кўрсатган педагогларнинг бир гуруҳи "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси“, "Таълим ҳомийси“ кўкрак нишонлари ҳамда вазирлик, ТВХТБ, туман ҳокимлиги, ТХБлари фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тақдирланганлар туман ҳокимлигининг қарорига кўра бир ойлик маошлари миқдорида қўшимча пул мукофоти ҳам оладилар.

Ниҳоят ҳаяжонланиш навбати ёш мутахассисларга етиб келди. Бир гуруҳ собиқ талабалар "Ёш ўқитувчи қасамёди“ни қабул қилиш учун сафланишди. Бу маросим кўпчиликни тўлқинлантириб юборди. Ҳамма-ҳамманинг кўнглида ўқитувчилик касбидан фахрланиш туйғуси устивор эди. Ёш мутахассислар эса устозларга ўзига хос ҳавас билан қараб, комил инсон таълим-тарбияси йўлида сидқидилдан меҳнат қиламиз, устоз номини юксакликка кўтарамиз, дея тантанали қасамёд қилдилар.

Шундай қилиб, ёш мутахассислар педагоглар сафига киришди. Уларни анжуман иштирокчилари қизғин табриклашди.

**Курбонбой МАТҚУРБОНОВ**



## ЯНГИ МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ

*Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани халқ маорифи ходимларининг анъанавий Август кенгаши 24 август куни истироҳат боғида зўр уюшқоқлик билан ўтказилиб, унда кўплаб таълим ходимлари қатнашди.*

*Туман ҳокимининг маърузасида Президентимиз И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда“ асари асосида Қўшкўпирда амалга оширилган ишларга, таълим соҳасини ислоҳ қилишга доир жараёнга батафсил тўхталиб ўтилди. Олий Мажлиснинг сўнгги сессияси материалларидан келиб чиқадиган вазифаларга ҳам диққат-эътибор қаратилди.*

*Туман халқ таълими бўлими мудири Бектурди Собиров "1998-99 ўқув йилининг якунлари ва "Таълим тўғрисида“ги Қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури“ асосида янги 1999-2000 ўқув йилидаги вазифалар“ деган мавзуда маъруза қилди. Нотиқ ўз маърузасида тумандаги халқ таълими соҳасида амалга оширилган ишларга таҳлилий баҳо берди, жиддий камчиликларни кескин баён этди. Сўзга чиққанларнинг нутқларида ҳам айнан ана шу руҳ ҳукмрон бўлди, зероким, таълим ишини фақат кўпчилик баравар куч-ғайрат, ташаббускорлик, тадбиркорлик, ижодкорлик кўрсатган тақдирдагина юксалтириш мумкинлигини кенгаш қатнашчилари қалбан ҳис қилди, деб хулоса чиқарса бўлади.*

**Ўз мухбиримиз**

## МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Навбатдаги анъанавий Август анжуманларидан бири Паст Дарғом туманида ҳам бўлиб ўтди. Зиёкорлар кенгашида туман халқ таълими бўлими мудири Келдиёр Ўрдашев «Туманда халқ таълими тизими ривожи: муаммолар ва ечимлар» мавзуида маъруза қилиб, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида 1999-2000 ўқув йилидаги вазифалар, ислоҳотларнинг тизимдаги акси, ютуқ ва камчиликларга тўхталиб ўтди.

— Туманда халқ таълими соҳасида бирмунча ишлар қилиниб, тажрибалар тўпланди. Бу борада, айниқса, 6-, 8-, 21-, 31-, 34-, 48-, 72-мактабларда сезиларли натижаларга эришилди. Янги ўқув йилида уларнинг сафи янада кўпайишидан умидвормиз, — деди К. Ўрдашев ўз сўзида.

Кенгашда туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Ш. Исанов иштирок этиб, маърифат фидойиларини истиқлол байрами билан қутлади. Уларнинг кейинги фаолиятларига жўшқинлик ҳамроҳ бўлишини тилади.

Кенгаш охирида бир гуруҳ ўқитувчи-мураббийлар самарали хизматлари учун вилоят халқ таълими бошқармаси ва туман халқ таълими бўлими, туман ҳокимлиги томонидан кўкрак нишонлари ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**МУХБИРИМИЗ**

## ШОДИЁНАГА АЙЛАНГАН КУН

Анъанавий Август кенгаши ўтказиладиган кун Оқолтин тумани халқ таълими ходимлари учун чинакам байрамга айланди, десак муболаға бўлмайди. Шу куни туман маорифчилари Собиржон Сиддиқов номидаги деҳқон-фермерлар уюшмаси ҳудудидаги сўлим боғ ичида жамулжам бўлдилар. Бир пиёла чой устида бўлиб ўтган кенгаш ғоятда эсда қоларли бўлди.

Анжуманда Сирдарё вилояти ХТБ бошлиғи Светлана Ғуломова, Оқолтин тумани ҳокими Олимжон Мирҳабибов, туман ХТБ мудири Оқилбек Жодигаров, шунингдек, илғор ўқитувчилар, хўжаликлар ва мактаблар раҳбарлари сўзга чиқишиб, туманда ўтган ўқув йилида эришилган натижалар ва келгуси режалар хусусида атрофлича фикрлашдилар. Анжуманда туман хўжаликлари томонидан янги ўқув йилида кам таъминланган оилалар фарзандларини дарсликлар билан таъминлаш учун 1 миллион 47 минг сўм маблағ ажратилганлиги айтиб ўтилди. Бу, ҳудуддаги эҳтиёжманд оилалар фарзандлари юз фоиз ўқув дарсликлари билан таъминланади, деган сўздир. Бундан ташқари, янги ўқув йили ва Истиқлол байрами арафасида ўқитувчи ва тарбиячиларни моддий рағбатлантириш мақсадида туман ҳокимлиги томонидан бир миллион сўм пул ажратилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

Анжуманда ўтган ўқув йили давомида яхши кўрсаткичларга эришган ҳамда янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўришда фаоллик кўрсатган мактаблар ва боғчалар жамоаларига эсдалик совғалари топширилди. Тадбир сўнггида туман халқ таълими ходимларининг анъанавий Август кенгаши қарори қабул қилиниб, унда асосан янги ўқув йили давомида таълим - тарбия ишларини янада уюшқоқлик билан ўтказиш режалаштирилди.

**И.ИСКАНДАРОВ**

## МУАЛЛИМГА КУЧ БЕРГАН КЕНГАШ

Бахмал тумани халқ таълими ходимлари ўтган ўқув йилининг якуний таҳлилларида таълим соҳасидаги барча кўрсаткичлар бўйича энг юқори балл тўплаб, Жиззах вилояти туманлари маорифчилари ўртасида биринчиликни қўлга киритди. Шу маънода вилоятда биринчи бўлиб туман халқ таълими ходимларининг анъанавий Август кенгаши ўтказилиши бахмаллик таълим фидойиларининг меҳнатига берилган юксак баҳо бўлди.

Кенгашиш мақсадида тумандаги барча мактаблар раҳбарлари, илғор ўқитувчилар, фахрий муаллимлар ҳамда шу ҳududдаги барча хўжаликлар ва ташкилотлар раҳбарлари Рустам Аҳмедов номидаги 45-ўрта мактаб боғига йиғилишди. Анжуманда Бахмал тумани ҳокими М. Анорбоевнинг туманда таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида бугунги кунда олиб борилаётган ишлар ва навбатдаги вазифалар хусусидаги маърузаси тингланди. Маърузачи ўз сўзида туман ҳокимлиги томонидан таълим тизимига кўрсатилаётган эътибор ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Шундан сўнг туман халқ таълими бўлими мудири С.Мирзабековнинг 1998-1999 ўқув йили якунлари ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида янги ўқув йилидаги вазифалар ҳақидаги маърузаси тингланди. Маърузада айтилишича, ўтган ўқув йилида туман маорифчилари барча жабҳаларда вилоят миқёсида пешқадамликни қўлга киритганлар, шундай бўлса-да , йўл қўйилган камчиликлар ҳам йўқ эмас. Уларни тугатиш туман таълим ходимларининг галдаги муҳим вазифаларидан биридир.

Анжуманда фахрий ва илғор ўқитувчилар, турли ташкилот ва хўжаликлар раҳбарлари ҳам сўзга чиқиб, ёш авлод тарбияси йўлида уюшқоқлик билан меҳнат қилиш лозимлигини таъкидладилар.

Тантанада Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим қилинган компьютер синфи туманнинг илғор таълим муассасаси — 25-ўрта мактабга топширилди. Бир гуруҳ фидойи ўқитувчилар вилоят ҳокимлиги томонидан таъсис этилган «Маърифат машъали» кўкрак нишонига сазовор бўлдилар. Шунингдек, анжуманда ўқитувчилар ва мактаб жамоаларига вилоят ва туман ХТБ «Фахрий ёрлиқ»лари, оталиқ ва ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**И.БЎРИБОЕВ**

## «МАЪНАВИЯТНИНГ БОШ МЕЗОНИ ЎҚИТУВЧИДИР»

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар халқ таълими ходимлари анъанавий август кенгашининг бош шиори ана шундай бўлди. Унда сўзга чиққан Чирчиқ шаҳар ҳокими Дониёр Азизхўжаев, шаҳар ХТБ мудири Саид Аҳмедов, мактаблар раҳбарлари ва фаол мураббийлар ўз сўзларида шаҳар халқ таълими тизимида ўтган ўқув йилида эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар ҳамда галдаги ўқув йили режалари хусусида тўхталиб ўтдилар. Куй-қўшиқ ва тантанага омухта тарзда кечган кенгаш муаллимларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, болажонлар ижросида устозларга ҳурмат, элу юртга муҳаббат руҳида жаранглаган шеър ва қўшиқлар кенгаш қатнашчиларига кўтаринки руҳ бағишлади. Кенгаш ўтказилган шаҳар кимёгарлар маданият саройи фойесида намойишга қўйилган мактаб ва боғчаларда болалар қўли билан ясалган турли буюмлар кўргазмаси ҳам кўпчиликнинг эътибори ва эътирофига сазовор бўлди.

**МУХБИРИМИЗ**

Jarayon

# ТЎЙГА ТЎЁНА БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини тайёрлаш, қабул қилиш ҳамда тантанали очилишини юксак савияларда ташкил этиш тўғрисидаги Фармойиши чиққандан кейин Андижон вилояти бўйича янги турдаги ўқув муассасалари қурилишини битказиш, реконструкциялаш ва жиҳозлаш ишлари янада қизғин тус олди. Вилоятда бу йил битта академик лицей ва 12 та касб-ҳунар коллежининг ишга туширилиши режалаштирилган. Шундан шаҳар ва туманлардаги 6 та касб-ҳунар коллежи янгидан бунёд этилди, академик лицей ҳамда 6 та касб-ҳунар коллежи эса қайта таъмирланаяпти. Қурувчилар кунига икки ва уч сменадан меҳнат қилиб, бугунга келиб сўнгги пардозлаш ишларини олиб боришаяпти. Асосий эътибор, албатта, сифатга, иншоотларни ўз вақтида топширишга қаратилган.

Вилоят ҳокимлиги ўқув даргоҳларини замонавий ўқув - техника қуроллари, мебеллар, бошқа ўқув-кўргазмали жиҳозлар билан таъминлаш учун 300 млн. сўм маблағ ажратди. Жиҳозлар Республиканинг турли жойларидан, жумладан, Тошкент, Фарғона ва Намангандан ўз вақтида келтирилиб, тақсимланаяпти. Андижон ва Шаҳрихон туманларидаги коллежларга мутахассислар компьютер мажмуаларини ўрнатишди. Янги қурилган 6 та коллежда ҳам лингафонларни жойлаштириш бошлаб юборилди. Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Абдурашид Абдураҳмоновнинг таъкидлашича, ҳозирча ҳеч қандай тўсиқ ёки жиддий камчиликка дуч келинаётгани йўқ. Ҳамма масала ўз вақтида ва жойида ечимини топаяпти. Чунки вилоят ҳокимининг қарорига асосан ҳар бир шаҳар ва туманда ҳокимлар бошчилигида янги турдаги ўқув муассасаларини топширишга тайёрлаш мақсадида ишчи гуруҳлари тузилган. Улар тўлиқ маънода ўз вазифаларини уддалашга жалб этилган. Шунингдек, вилоят миқёсида лицей ва коллежларни қабул қилиб олиш учун ишчи комиссия таркиби ҳам тасдиқланди. Бу ерда пайдо бўлаётган муаммо асосан вақтида ва жиҳозларни ташиб келтиришдан иборат. Ҳар ҳолда, биноларнинг ишга туширилиш муддати тобора яқинлашаяпти. Аммо вилоятдаги мутасаддилардан ҳеч ким қўл қовуштириб ўтирганини йўқ. Раҳбарлар ўқув даргоҳларини ўз вақтида ишга тушириш учун имкониятлар етарли эканлигини айтишаяпти.

Коллежларга шаҳар ва туман ҳокимларининг тавсиясига асосан юқори малакали ҳисобланган директорлар тайинланди. Жами 470 нафар педагог ходимдан 200 киши ўқитувчиликка танлаб олинди. Улар Тошкент шаҳри ва вилоят марказида ўз малакаларини ошириб, махсус сертификатга эга бўлдилар. Билим даргоҳлари учун 122 та фандан ўқув режа ва дастурлари ишлаб чиқилиб, тайёрлаб қўйилди.

Бугунгача вилоят бўйича лицей ва коллежларда ўқиш истагини билдирган 4428 нафар йигит-қиздан ариза тушди. Бу, албатта, мавжуд имкониятга нисбатан анча кўп. Чунки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Марказининг режасига асосан, ушбу ўқув йилида янги тизимдаги таълим муассасаларига 2350 нафар ёшларнинг қабул қилиниши белгиланган. Хўш, нима қилмоқ керак? Бошқарма мутасаддилари тегишли жойлар билан маслаҳатлашиб кўриб, 3000 йигит-қизни ўқитишга қарор қилдилар. Бунинг ўзига хос сабабларидан бири ёшлар орасида ўқишга, касб-ҳунар эгаллашга талабнинг катталиги ҳамда келгуси ўқув йилида 9-синфни битирувчиларнинг деярли бўлмаслигидир. Шундай йўл тутилса, демак, мавжуд ўқувчи ўринларидан ҳам унумли фойдаланилади. Имкониятлар эса иш жараёнида янада кенгайтирилади.

Таъбир жоиз бўлса, абитуриентлар сонининг кўплиги учун коллежларга ҳам ёшларни танлаб олишга тўғри келаяпти. Кўзланган мақсад уларнинг билимга нисбатан талабини кучайтириш ҳамда замонавий ўқув муассасаларининг қадрини оширишдан иборат. Ҳозирги кунда 9 - синфгача ҳажмдаги фанлардан синовлар қизғин давом этаяпти. Истиқболда яъни 2005 йилга келиб эса вилоят бўйича 16 та академик лицей ва 131 та касб-ҳунар коллежининг фаолият кўрсатиши режалаштирилган. Ана шу даврга келиб, ўрта мактабни битирувчилар учун «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га асосан лицей ёки коллежда ихтиёрий-мажбурий ўқишлари борасида катта қулайликлар яратилади.

Вилоят бўйича жами академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг тантанали очилиш маросимлари Республикамиз Мустақиллигининг 8 йиллик тўйи байрам қилинадиган кунларга белгиланди.

**Аваз ҲАЙДАРОВ,**
**ўз мухбиримиз**

# ЁШЛАРИМИЗ ҲАЁТДА ЎЗ ЎРИНЛАРИНИ ТОПАДИ

Yangi o'quv yiliga tayyorgarlik

«Бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир - бирига ўхшайди...». Машҳур рус ёзувчиси Лев Толстойнинг «Анна Каренина» романи шундай жумлалар билан бошланади. Ростдан, нафақат бахтли оилалар, бахтиёр одамлар ҳам қайсидир жиҳатлари билан ўхшаш бўладилар. Ишлари юришиб кетган одамлар йиғилган жамоалар ҳам негадир бир-бирига ўхшайди...

Навоий вилоятида ҳам ана шундай бахти кулган, ишлари юришиб кетган жамоаларни истаганча учратиш мумкин. Шундайлардан вилоят ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими тизимида 4 та бизнес мактаби, 5 та касб-ҳунар лицейи, 1 та касб-ҳунар коллежи, 1 та академик лицей мавжуд бўлиб, уларда 8321 нафар ёш авлод таълим олмоқда. Ўқувчиларга 160 нафар 2-, 1 - ва олий тоифали ўқитувчилар дарс бермоқдалар.

— Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларимизда айни пайтда 96 йўналиш бўйича мутахассис кадрлар тайёрланиб, мавжуд йўналишлар бўйича дастур ва ўқув режалари билан тўлиқ таъминланган, - дейди вилоят ўрта махсус таълим бошқармаси раҳбари Тоир Қаҳҳоров. — Ўқувчиларни қабул қилиш корхона ва ташкилотлар буюртмалари ва ўқув юрти билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилди. Бу эса ўқувчиларнинг ўқишни тугатгач, ўз ўринларини топиб кетишларининг гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўқув юртлари дарслик, қўлланмалар билан ҳам тўлиқ таъминланган. Янги ўқув йили учун ўқувчиларга 18476 та янги дарслик адабиётлари сотиб олинди.

Масканларда маънавият-маърифат ишларига ҳам кенг эътибор берилмоқда. «Наркотик моддалар истеъмол қилиш ва тарқатишнинг олдини олиш», «Оила ва жамиятда аёлларнинг ролини кучайтириш», шунингдек, ҳуқуқий мавзуларда ўтказилган семинар, конференциялар, «Ватан саждагоҳ каби муқаддас», «Маънавият - қалб чироғи», «Мустақиллик одимлари», «Она- улуғ зот», «Ватан руҳи яшар қалбимда менинг» мавзуларида ўтказилган иншо кўрик-танловлари бунга мисол бўла олади.

Ўқув юртлари аро шахмат-шашка, футбол, волейбол ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар тез-тез ўтказилиб турилади.

Эришилган ютуқлардан қайд қилиниши лозим бўлганларидан бири талабаларнинг фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этаётганликларидир. Бу борада Навоий педагогика институти қошидаги академик лицей, Қизилтепа, Навбаҳор, Хатирчи бизнес мактаблари эришаётган ютуқлар кўзга кўринарли бўлмоқда.

— Талаба - ёшларнинг қай даражада билимли, қандай савиядаги мутахассис бўлишлари уларга дарс бераётган ўқитувчи-устозларнинг даража - савиясига кўп жиҳатдан боғлиқ, - дейди биз билан суҳбатда Навоий педагогика институти қошидаги академик лицей директори Х. Эралиев. - Шу жиҳатдан қараганда, бизнинг лицейимиз педагогик жамоаси ўз ишини пухта билган, яъни педагогик технологиялар билан қуролланган, ижодкор ўқитувчилардан иборат.

Бугун ҳукуматимиз томонидан академик лицей ва касб - ҳунар коллежларига катта эътибор қаратилмоқда. Бунга жавобан эса барча - мутахассислар, ўқитувчию ўқувчиларнинг ўз зиммаларидаги масъулиятини теран ҳис қилган ҳолда яшаш, ишлаш ва ўқишлари талаб қилинади.

**Ўткир ПЎЛАТОВ**

Anjuman

# ЯНА МАЪНАВИЯТ ҲАҚИДА

Онг. Тафаккур. Маънавият. Бу атамалар фақат Қалб деб аталмиш қутлуғ Маконда зуҳурланади ёки Мия деб аталмиш мўъжазгина қароргоҳни манзил айлайди. Улар кўзимизга кўринмайди, қўлимизга илинмайди...

Нега биз маънавиятнинг анчайин оқсаб бораётганига гувоҳ бўлаяпмиз? Аждодларимизнинг бу ҳақдаги қарашлари бошқача бўлган эди-ку? Нега жиноятлар шу тариқа кўпайиб кетди? Меҳрибонлик уйларида шафқат-талаб гўдаклар сонининг ошишига сабаб нима?

Саволлар мингта, жавоблар-чи? Калаванинг учини топишга бугунги кунда гўёки ҳаммамиз сафарбар этилдик...

Республика таълим марказида «Миллий ғоя, истиқлол мафкураси ва маънавият — тарбия мезони» мавзусига бағишланган илмий-назарий анжуман иштирокчилари ҳам худди шу саволларга жавоб излашди, баҳс юритишди, мушоҳада қилишди.

Республика таълим маркази директори Гуландон Алимова семинар кун тартиби, мақсади билан таништиргач, маърузалар бошланди. Дастлабки маърузани Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев бошлаб берди ва жумладан, шундай деди:

— Бугунги авлод маънавиятига ижобий жиҳатдан таъсир этувчи куч нима? Сир эмаски, аждодларимизнинг қат-қат асарлари мағзини ёшлар тугул ўрта ва катта авлод вакиллари ҳам тўлиқ англаб етмайдилар. Унда нимага, кимга мурожаат қилмоқ керак?

Шунингдек, Анжуманда сўзга чиққан «Оила» илмий-амалий маркази директори Ойниса Мусурмонова «Оила тарбиясида маънавият масалалари», «Миллий тикланиш» газетаси бош муҳаррири Иброҳим Ғафуров «Маънавият ва замон кишисини тарбиялаш», Низомий номидаги ТДПУ маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича ректор муовини Абдуғаффор Қирғизбоев «Баркамол авлод тарбиясида тарғибот-ташвиқот ишларининг ўрни», Навоий ДПИ мусиқа фанлари ва уни ўқитиш услубиёти кафедраси мудири О. Файзиев «Ёшлар маънавияти ва мусиқа таълими», Тошкент шаҳридаги 41-мактаб директори Назира Аҳмедова «Ўқувчи-ёшларни ҳозирги замон мафкураси асосида тарбиялашда мактаблардаги маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарининг вазифаси» мавзуларида чиқиш қилишди.

Хулоса шу бўлдики, маърузачиларнинг мақсади фақат минбарга кўтарилишу чучмал ваъз айтишдан иборат эмас эди. Ҳар қайси мавзуда нимадир бор эди: саволга жавоб ёки жавобсиз савол...

Шу маънода кўпнинг қаршисида **Маънавият** хусусида сўз айтишга чоғланган кишиларни барчамиз ҳам қўллаб-қувватлаймиз. Жумладан, анжуман иштирокчиларини ҳам.

**Ҳайитгул Мирзаева — Пастдарғом туманидаги 39-мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари:**

— Вазиримизнинг маърузасидан кўп нарса олдим. Биз кўпинча тил билан «ишлаймиз», ваҳоланки, замон дил билан ишлашни талаб қилаяпти.

**Ҳамрогул Ашурова — Шофиркон туманидаги 1-мактабдан:**

— Биз Миллий дастурни нима учун қабул қилдик? «Таълим тўғрисида»ги Қонунни нима учун янгиладик? Баркамол авлодни орзуладик. Шунга яраша мафкурамиз борми? Мен «бор» деб қўрқмасдан айта оламан. Бугунги йиғинда қанча гаплар айтилди. Гап фақат онгни янгилаш устида кетаяпти.

**Тожигул Хўжамуродова — Қорақалпоғистон Республика Хўжайли туманидаги 15-ўрта мактабдан:**

— Мен оилаларга тарбия вазифасини тўлиқ юклаган бўлардим. Афсуски, ота-оналаримизнинг маълум бир тоифаси бу фикрни рад этади. Ахир, оилада гап кўп. Ойниса Мусурмонованинг маърузаси бу жиҳатдан менга маъқул тушди.

Куннинг иккинчи ярмида чортоқлик муаллим Оқбой Баҳриев ўз иш тажрибаларидан сўзлаб берди. У ишлаётган 9-ўрта мактабда I-XI синф ўқувчиларининг ҳар бирида «Маънавият папкаси» мавжуд. Унда давлатимиз рамзлари, раҳбарлари, ҳудуди, аҳолиси ва ҳоказо маълумотлар ўқувчи томонидан тўплаб борилар экан.

Андижон вилояти Асака шаҳридан анжуманга ташриф буюрган «Одобнома» фани ўқитувчиси Абдураҳим Мирзааҳмедовнинг кўргазмали қуроллари ҳам манзур бўлди. 19 та плакатда одоб-ахлоқ мезонларининг турли кўринишлари ўта нозиктаъблик ва дид-фаросат билан ифодалаб берилган.

Яхши бўларди, бу плакатлар кўплаб нусхада нашр этилса ва «Одобнома» мураббийларига тарқатилса.

Анжуман ниҳоясига етди. Айтар сўзлар айтилди. Ёш авлод маънавиятини юксалтириш йўлидаги илк қадамлар ҳам ташланмоқда. Янги 1999-2000 ўқув йилидан эътиборан, умумтаълим мактабларининг I-IV синфларида «Одобнома» (тажриба-синов ишлари ўтган ўқув йилида олиб борилган), V-VI синфларда «Ватан туйғуси», VII-XI синфларда «Маънавият асослари»ни ўқитиш давлат таълим режасига киритилди. Бинобарин, бу маънавиятни янгилаш бобидаги улкан қадамдир.

**Ҳ. ТЎЙМАНОВА**

Munosabat

# ВАТАНГАДО ДАЙДИЛАРНИНГ АНДИШАСИЗ ХУРУЖИ

Қирғизистонда юз бераётган воқеаларни бундан ўзгача талқин этиш қийин. Чунки, миллатидан қатъи назар, Боткентга кириб олган жангариларнинг барчаси беватан кимсалардир. Улар гоҳ Тожикистон, гоҳ Чеченистон, гоҳ Афғонистонда юриб, қўпорувчилик бўйича махсус тайёргарликдан ўтган, ҳаётий мақсад, орзу-ҳавас, оддий инсоний ҳиссиётлардан маҳрум бўлган.

Жангариларнинг Боткентдаги андишасиз қилмишларини қандай изоҳлаш мумкин? Уларнинг хатти-ҳаракати, ҳақиқатдан ҳам, ислом давлати, халифот ёки амирлик тузишга қаратилганми? Бу - даргумон. Чунки давлат тузиш - улуғ иш. Уни улуғ инсонлар халқ билан баҳамжиҳат мақсад қилади ва амалга оширади. Бу йўлда террордек қонли усуллардан фойдаланиш эса ҳеч қачон оқланмайди.

Хўш унда, жангарилар нима учун Боткентга кириб олди? Гап шундаки, Тожикистоннинг тоғли ҳудудларида уларнинг пайтавасига қурт тушди. Бирлашган тожик мухолифатининг қуролли гуруҳлари соясида Тожикистон ҳукумати уларни деярли «кўрмаётган» эди. Лекин, сўнгги вақтларда вазият шунга етиб келдики, бирлашган мухолифат жангарилари учун ё қуролни топшириш, ёки яксон бўлишдан бирини танлашга тўғри келиб қолди. Бу эса беватанларни яшириб турган қулка очила бошлади, деган гап эди. Улар ўзлари учун «ноқулай минтақа»га айланмасидан туриб, Тожикистонни тарк этишга ва қўшни Қирғизистондан қўним топишга қарор қилган бўлса, ажаб эмас. Яқин атрофда эса, Боткентдан қулайроқ жой йўқ. Бу туман ҳам ҳаракатланиш қийин бўлган тоғли ҳудудларга бой. Демак, Тожикистон тоғларида орттирилган тажриба учун Боткент қўл келади.

Шу ўринда масаланинг яна бир жиҳатига тўхталиш жоиз. Жангарилар Ўзбекистон ҳудудига ҳам кириши мумкин эди. Лекин, мамлакатимиздаги ҳуқуқ-тартибот посбонлари, юртни қўриқловчи баҳодирлар, очиғини айтиш керак, қўшниларимиздан кўра анча ҳушёр. Айнан шу омил жангариларни ўзларини нисбатан хотиржамроқ тутган қирғизлар юртига боришга ундаганига шубҳа қилмаса бўлади. Бу фикрни Қирғизистон мудофаа вазирининг зиммасига юкланган ишни эплай олмагани учун ўз вазифасидан озод этилгани ҳам тасдиқлайди.

Энди жангариларнинг мақсадига келсак. Айрим хорижий оммавий ахборот воситаларида улар Ўзбекистонда «ислом давлати» қуришни ўзига бош ғоя қилиб олган ҳаракат вакиллари деб қайд қилинди. Аммо, соғлом фикрловчи ҳар бир инсон бир ҳовуч жангари билан бутун бир давлатни эгаллаб бўлмаслигини яхши билади. Демак, мақсад — одамларни гаровга олиб, сўнг уларни катта пул эвазига озод этиш, янги лагерлар очиб, қўпорувчилар тайёрлаш, қисқача айтганда, бузғунчилик ва террор. Шундай экан, уларни ҳеч қанақасига оқлаб бўлмайди. Юқорида айтилганидек бу гуруҳ, на муайян мақсадга ва на бирор яхши ё ёмонлигидан қатъи назар аниқ ғояга эга. Бу жангарилар шунчаки қуролдан бошқа нарсани ишлата олмайдиган, одам ўлдиришдан бошқа юмушга ярамайдиган каллакесарлар, беватанлардир.

Куни кеча, мамлакатимиз ташқи сиёсат раҳбари Тожикистон раҳбарияти вакиллари ҳамда Россиянинг РТР телеканали чиқишларига кескин норозилик билдирганига ҳам тўхталиш жоиз. Бунинг сабаби, улар томонидан Қирғизистондаги воқеаларнинг атайлаб нотўғри изоҳланиши эди. Айниқса, Тожикистон томонининг воқеалар ривожини кўриб, жангарилар Қирғизистонга қай йўл билан ва нима учун кирганини била туриб, бунга масъулиятсизларча ёндошгани афсусланарлидир. Таъкидлаш керак, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тожикистонда бир неча йил давом этган фуқаролар уруши ва унинг оқибатида юзага келган аҳвол қўшни давлатларга ҳам таъсир кўрсатмай қолмаслигини, бунинг олдини олишда ҳамжиҳатлик зарурлигини катта минбарлардан катта ташвиш билан гапириб келади. Қолаверса, икки мамлакат ўртасида террорчилик ва наркобизнесга қарши кураш бўйича давлатлараро ҳужжатлар ҳам имзоланган. Тожикистон ҳукумати бир неча бор мамлакатдаги жангариларни қуролсизлантириш, хусусан, ўзини «ислом лашкарлари» санаб юрган кимсаларга нисбатан чора кўришга даъват қилинди. Аммо, қўшниларимизнинг бу борадаги ҳаракати сустлигича қолаверди. Оқибат - Боткент фожеаси.

Қизиқ, Тожикистон ва Россиядан келаётган овозларнинг негизида қандай мақсадлар ётган экан? Ўйлаб кўринг, Тожикистонда ҳукумат билан мухолифат ўртасидаги келишмовчиликларга ҳали тўла барҳам берилгани йўқ. Фуқаролар уруши иқтисодиётни издан чиқарган, халқнинг турмуш даражаси паст. Россияда ҳукумат инқирозлари, давлатнинг миллиардлаб ташқи ва ички қарзлари, Доғистон можароси ва бошқа муаммолар ҳукм сурмоқда. Ўзбекистонда эса фақат янгиланиш ва тараққиётни кузатиш мумкин. Буни кўролмаётган нохолис сиёсатчилар тоғларда дайдиб юрган беватан жангариларнинг Боткентга ҳужумидан ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланишга уринмаяптимикан?

**(ЎзА)**

Seminar-kengash

# РЕЙТИНГ — ЗАРУРИЯТ

**Айрим олимлар рейтинг — ўлчови йўқ нисбий кўрсаткич, дейишмоқда. Баъзи ўқитувчилар ҳам бу янгиликдан хурсанд эмас. Шундай экан, нега ўқувчилар билим даражасини аниқлаш учун рейтинг назорати зарурати туғилмоқда? Рейтинг тизимини жорий этиш учун тажриба-синов майдонларини ташкил этиш шартми? Рейтинг тизимининг афзаллиги ва қулайлиги нимада? Бу тизим мактаб директори, илмий бўлим мудири, қолаверса, ўқитувчи ва ўқувчи учун ортиқча ташвиш эмасми? У ўқитувчи, ўқувчига нима беради? Тизимни ўрганиш, ўргатиш, ҳаётга татбиқ этиш қандай бўлади? Бу борадаги тажриба-синовларни қандай якунлаймиз? Яқинда Абдулла Авлоний номидаги Республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизимини тажриба-синовдан ўтказишга бағишланган Республика амалий семинар-кенгашида ана шу каби масалалар ҳақида сўз юритилди.**

**Семинар-кенгашни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев кириш сўзи билан очди. Вазир таълимдаги ўзгаришлар, хусусан, давлат таълим стандарти ва рейтинг тизими моҳияти, рейтинг тизими бўйича ишлайдиган тажриба-синов мактаблари, унда фаолият кўрсатадиган экспериментатор ўқитувчилар вазифалари тўғрисида батафсил гапирди. Жумладан, у янги масалага эскича ёндашиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлади.**

**Очиғи, рейтинг ўйин эмас. Бу тизим орқали дарсларга эркинлик олиб кирилади. Баҳо учун жанжал бўлмайди. Ўқувчи хоҳлаган пайтда баллини тўғрилаши мумкин. Баҳо ўқитувчининг даражасига боғланиб қолмайди. Муҳими, нисбийликдан қутуламиз.**

**Сирасини айтганда, семинар-кенгашда рейтингнинг афзал томонлари хусусида турфа хил фикрлар билдирилди. Уни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан эса мутахассислар таклиф ва мулоҳазалари беқиёс аҳамиятли бўлди. Масалан, ХТВ ТДТС мониторинги бошқармаси бошлиғи Рустам Аҳлиддинов «Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари талабларининг бажарилишини назорат қилишда рейтинг тизимининг ўрни», Рейтинг тизими бўйича Республика ишчи гуруҳи раҳбари, профессор Жўра Икромов «Тажриба-синовга қўйилган «Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом»и ҳақида», ЎзПФИТИ директори муовини, профессор У. Нишоналиев «Ўқувчилар билимини назорат қилишда кўп балли рейтинг тизимини қўллашнинг илмий-педагогик асослари», РТМ директори Гуландон Алимова «Ўқувчилар билимини назорат қилишда рейтинг тизимини қўллашнинг ўқув-методик таъминоти ҳақида», ХТВ умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи муовини Шукур Пўлатов «Умумий ўрта таълим муассасалари учун таянч ўқув режаси ҳақида» мавзуларида маъруза қилишиб, йиғилганлар саволларига атрофлича жавоб қайтардилар.**

**Семинар-кенгашнинг иккинчи куни баҳс-мунозаралар давра столи шаклида давом эттирилди. Унда мутахассислар, тажриба майдонларининг илмий раҳбарлари, экспериментатор ўқитувчилар рейтинг тизимини тажриба-синовдан ўтказишнинг методик таъминоти (1- ва 2-варианти) ҳақида, тажриба-синов майдонларининг тайёрлиги, тартиби ва келажакдаги вазифалар тўғрисида фикрлашиб олдилар. Хуллас, семинар-кенгашда республика бўйича ўқувчилар билимини назорат қилишнинг рейтинг тизимини тажриба-синовдан ўтказишнинг илмий-амалий тавсиялари ишлаб чиқилди. Энди у амалиётчилар томонидан янада такомиллаштирилади, маромига етказилади.**

**Қ. МАТҚУРБОНОВ**



*Шаҳрисабздаги «Ўқувчилар ижодиёт уйи» ёз бўйи гавжум бўлди. Болалар миллий каштачилик, нафосат, ҳайкалтарошлик, иқтисод, дуторчилик каби 23 тўгаракда бўш вақтларини мазмунли ўтказдилар. Суратда 16 йилдан бери ишлаб келаётган ижодиёт уйи директори Адолат Исоқова ёшларга чет тили тўгарагида машғулот ўтаётгани акс этган.*

Taraddud

# ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БЎСАҒАСИДА

*Янги ўқув йилининг бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Халқ таълими ходимлари бунга барча чораларни кўришмоқда. 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларида таълим тажриба-синовдан ўтган янги ўқув режалари ва дастурлари асосида олиб борилади.*

*Хўш, бунга таълим ташкилотчилари, кенг ўқитувчилар оммаси, педагогика институтлари битирувчилари тайёрми? Улар режа ва дастурлардаги ўзгаришлар, янгиликлардан хабардорми? Қолаверса, бундай янгилик ва ўзгаришлар юзасидан тайёргарликдан ўтдими? Ўқув йилининг бошида А. Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини малакасини ошириш Марказий институти Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар педагогик ходимлар малакасини ошириш институтлари, туман (шаҳар) метод кабинетлари кучи билан халқ таълими ҳудудий бошқарма ва бўлимлари, таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда таълим ташкилотчиларининг 48 соатлик, мактаб фан ўқитувчиларининг 24 соатлик ўқувлари ташкил этилди. Педагогика институтларининг битирувчи курслари учун ушбу масалаларга бағишланган 24 соатлик махсус курс жорий этилди. Шундай қилиб, мактабларда ишлаб турган ўқитувчилар ҳам, ёш мутахассис кадрлар ҳам ўқув режа ва дастурларидаги ўзгаришлардан бохабар бўлишди.*

*Педагогика олий ўқув юртлари ҳам 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб янги бакалаврлик ўқув режалари бўйича таълим беришга ўтишади. Бу ўқув режалари олий таълимнинг Давлат таълим стандартлари талабларини рўёбга чиқаришга қаратилган бўлиб, аввалги режалардан шуниси билан фарқ қиладики, буларда ўқув юкламалари умумий ҳажмининг 23 фоизи, қандай мутахассислик бўлишидан қатъи назар, математик ва илмий-табиий фанларга ажратилган.*

*Маълумки, таълимдаги бош масалалардан бири янги усуллардир. Биз таълим беришнинг аксарият ҳолларда қўлланиб келинаётган авторитар усулларидан воз кечишимиз керак. Таълимда самарали усуллар тизимини шакллантириш ўқув режаларига «Янги педагогик технологиялар» ўқув курси киритилди ва у янги ўқув йилидан бошлаб жорий этилади.*

*Иккинчи муҳим вазифа бу лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида таълим беришга ўтиш масаласидир. Агар Республика ҳукумати томонидан белгиланган тартиб ва жадвалга асосан, шу давргача лотинга ўтиш босқичма-босқич 1-5-синфларда амалга оширилган бўлса, янги ўқув йилида илк бор 6-синфлар ҳам бу имлога ўтишади. 6-синфларда дарс берадиган фан ўқитувчилари лотин ёзуви бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар педагогик ходимлар малакасини ошириш институтларида қайта тайёргарликдан асосан ўтиб бўлишди. Таъкидлаш керакки, 1997-98 ўқув йилидан эътиборан педагогика институтларининг барча битирувчи курсларида таълим лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида олиб борилмоқда.*

*Айни кунларда хоҳ у олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчиси бўлсин, хоҳ у умумий ўрта таълим мактабининг педагоги бўлсин, янги ўқув йилини муносиб кутиб олиш ва таълим мазмунини янгилаш бўйича ўз режа ва дастурларини қайта кўриб чиқмоқда, август анжуманларида фикрлашмоқда.*

**Мухтор ЯҲЁЕВ,**
**Халқ таълими вазирлигининг педагогик таълим, фан ва малака ошириш Бош бошқармаси бошлиғи**

Faxr

# ЎТКИРЖОН ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Америка Қўшма Штатларида бокс бўйича бўлиб ўтаётган жаҳон чемпионатининг 6-кунида Андижонлик ҳамюртимиз Ўткиржон Ҳайдаров 75 кг вазндаги боксчилар ўртасида жаҳон чемпиони бўлди. Шу муносабат билан мухбиримиз мамлакат бокс федерацияси бош котиби Алишер Қодиров билан тезкор суҳбат қурди:

***— Жаҳон чемпионатига жўнашдан олдин Ўткиржон Ҳайдаровнинг имконияти қандай баҳоланган эди?***

— Тўғриси Ўткиржон чемпионатга саноқли кунлар қолганда терма жамоамиз таркибига киритилди. Буни қаранг, йигитнинг омади чопиб турган экан, олтин медал олди.

***— Ўткиржон бундан олдин қандай мусобақаларда ютган эди?***

— Жаҳон чемпионатида биринчи бор қатнашиши. Шу кунга қадар Республика чемпионатида ғолиб чиққан холос. Хитойда бўлиб ўтган халқаро мусобақада ҳам олтин медал олган эди.

***— Жаҳон чемпионатида кимлар билан рингга чиқди?***

— Дастлаб Венисуэлла вакили Родригесни, кейин Италия чемпиони Муниони енгди. Финалда Руминиялик таниқли боксчи Диакано билан баҳслашиб ҳалол ютди.

***— Янги чемпионнинг ёши нечада?***

— 1974 йил Андижонда туғилган. Мураббийлари Маркс Қўчқоров билан Александр Размахов!

***— Руфат Рисқиевдан кейин, мустақилликка эришганимиздан сўнг худди шу вазнда ҳаваскор боксчилардан ҳам жаҳон чемпиони унвонини ўзбек йигити қўлга киритди. Сизнингча бунинг аҳамияти қандай?***

— Ўзбек халқининг 25 йиллик орзуси амалга ошди. Боксчиларимизнинг яна бир улкан ютуғи сифатида бу ғалаба ҳам озод мамлакатимиз тарихида қолади.

***— Руслан Чагаев ютилибди деб эшитдик?***

— Ҳа, Руслан 1/4 финалда илгариги рақиби Феликс Савонга ютқазиб қўйди. Бугун яна икки вакилимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев билан Тўлқин Турғунов ҳам олтин медал учун «жанг» ўтказишади.

***— Суҳбатингиз учун раҳмат. Боксчиларимизга доимий ғолиблик тилаймиз.***

**Нормурод МУСОМОВ суҳбатлашди.**



*Жиззах шаҳар халқ таълими бўлими, шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан «Митти малика» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Кўзда тутилган асосий мақсад жажжи қизалоқларнинг заковат, саводхонлик, санъатга бўлган иштиёқларини аниқлаш ва ошириш бўлди.*

**Суратда: кўрик-танловдан бир лавҳа.**

**Абдуманноп АЗИМОВ олган сурат.**

# ЁЗГИ МАКТАБ

Республика ёш физик ва математикларининг «Иқтидор-99» тўққизинчи ёзги мактабида республикамизнинг турли бурчакларидан келган, жойларда ўтказилган танлов ғолиблари бўлган 70 дан ортиқ ўқувчи иштирок этди. Машғулотлар Фориш туманининг Баландбоғдон қишлоғидаги «Матлуботчи» оромгоҳида бўлиб ўтди. Дарсларни Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзолари, Беруний мукофоти совриндорлари, профессорлар Турсун Азларов, Нўъмон Сотимов, профессорлар Абдулла Аъзамов, Комилжон Турсунметов, Баҳодир Эрғозиев ва доцент Баҳодир Ҳайдаровлар олиб боришди. Ўқувчилар «Ўйинлар назарияси элементлари», «Иқтисодиётда математика» каби маърузаларни катта қизиқиш билан тинглашди.

Айниқса, болаларда иқтисодчи олим ва саховатли тадбиркор Эргаш Сариқовнинг «Иқтисодиёт ва бизнес» номли маърузаси чуқур таассурот қолдирди. Оромгоҳда маъруза ва амалий машғулотлар асосида ўтказилган олимпиадада Самарқанд, Бухоро вилоятларининг ўқувчилари ғолиб деб топилди.

Ёзги мактабни ўтказишда Республика Таълим Маркази ва Жиззах вилояти Халқ таълими бошқармаси ёрдамлари катта бўлди.

**Мирфозил МИРЗААҲМЕДОВ,**
**Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи**

Xullas...

## ҚАРИЛИКНИНГ ДАВОСИ

Мункиллаб қолган чол-кампирларга қараркансиз вақти келиб, уларнинг аҳволига тушиб қолишдан юрагингиз орқага тортиб кетади.

Қилни қирқ ёрувчи олимлар қарилик жараёнини тўхтатиш ҳақида бош қотиришмоқда. Организмда ёшнинг улғайиб, ҳолатнинг ўзгариб боришини мия тубида жойлашган миттигина тизилма назорат қилар экан. У эпифиз деб номланади ва мелатонин гормонини ишлаб чиқаради. Одам ўсиб улғайгани сари унинг ҳажми ҳам ошаркан. Бироқ 20 йилдан кейин кичрайиб боради, қариганда эса деярли пайдо бўлмайди. Бугунги кунда унинг организмда камайиб ёки йўқолиб бораётган миқдорини қоплаш учун синтезланган мелатонин дорисини қабул қилиш имконияти туғилди.

Бу дорининг ихтирочиси америкалик тадқиқотчилар Пьерпаоле ва Регельсондир. Мелатониннинг синтезланган тури соғлом ҳаёт кечириш ва узоқ умр кўришга таъсир этар экан, дейишмоқда олимлар.

## КОЛОНИЯГА КИТОБЛАР

Кишига энг яқин дўст нима? Ақлли инсонларнинг барчаси бу саволга шундай жавоб берса керак: албатта, китоб. Табиийки, у уйингиз ва кутубхонада сақланади.

«Мардлик ва инсонпарварлик» деб аталувчи Москвадаги қўллаб-қувватловчи ташкилотнинг мақсади ҳам китоб қадр-қимматини кўтаришга қаратилган. Фақат у мактаб, уй ёки институт кутубхонасида эмас, "зона"да ташкил этилган. Ташкилот «Дўст қўли» деб номланган акция ишлаб чиқариб, вояга етмаганлар колониясидаги муҳитни соғломлаштиришга ҳисса қўшмоқда. «Мардлик ва инсонпарварлик» маркази вакиллари болалар колонияларига тез-тез ташриф буюриб туришибди. Қуруқ эмас, қучоқ-қучоқ китоб, қоғоз, дафтар ва қаламлар билан. Аммо олиб келганлари урвоқ ҳам бўлмаяпти.

Бир сўз билан айтганда, «китоб» операцияси. Мақсад жуда оддий: Россиядаги барча болалар колониялари учун кутубхона яратиб бериш. Кутубхонада эса улкан ҳарфлар билан битишга арзийдиган ТАРБИЯ етибди.

Ана буни чинакам сабоқ дейиш мумкин.

## КОППЕРФИЛЬД МОСКВАГА КЕЛМОҚЧИ

Машҳур сеҳргар Дэвид Копперфильднинг сеҳргарликлари сирига ҳеч ким етолгани йўқ. Қандайдир ускуналар ёрдамида инсон танаси иккига бўлинса-да, лаҳза ўтмай, ҳеч нарса бўлмагандек ўрнидан турса... Ақл бовар қилмайди. Копперфильднинг янги шоу-дастури «You» деб номланади. Унда эски сеҳргарлик ўйинлари билан биргаликда теша тегмаганлари ҳам кўп.

Дэвид Москвага келиб, томоша кўрсатиш учун шартномага қўл қўйди. Бу 10 - 11 декабрь кунларига тўғри келади. Кўзбойлағичнинг томошаларига кириш учун ясама билет қилувчилар овора бўлмай қўя қолишсин! Дэвид билетларни ўзи билан олиб келмоқчи...

ana shunaqa gaplar...

Sport

## ЯНГИ МАЛИКА

**Хитойлик Се Цзюн россиялик Алиса Галямовани 8,6:6,5 ҳисобида ютиб, янги шахмат маликаси деб эълон қилинди. Олдинги чемпион – Жужа Полгар фарзанд кўрганлиги сабабли ўйинни кечиктиришни сўраб ФИДЕга мурожаатига рад жавоби олгач, ушбу ўйин ташкиллаштирилган эди.**

## ҲАМЮРТИМИЗ ФАХРЛИ ЎРИНДА

**Руминиянинг Бухарест шаҳрида бўлиб ўтган юнон-рим кураши бўйича 7-жаҳон чемпионатида 76 кг вазнда юртимиз шарафини Юрий Витт ҳимоя қилди. Бу оғирликда майдонга тушган 54 та давлатнинг 200 нафарга яқин курашчилари ўртасида ҳамюртимиз ўз маҳоратини намойиш этиб, фахрли учинчи ўринни қўлга киритди.**

## «УЧ ОҒАЙНИ БОТИРЛАР»

**Дунёнинг энг кучли теннисчилари – Пит Сампрас, Андре Агасси ва Евгений Кафельников анчадан бери кучли учлик ўринларини ўзаро алишган ҳолда ҳеч кимга бермай келишаяпти. 25 августгача бўлган вазиятда улар юқоридаги тартибда – 3942, 3650, 3616 рейтинг балл тўплаган ҳолда ҳамон пешқадамлик қилишмоқда.**

## «ДИНАМО» ВА «СПАРТАК»: КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

**Кутганимиздек, киевликлар ҳам, москваликлар ҳам рақибларини енгиб, чемпионлар лигаси гуруҳ босқичига йўлланмани қўлга киритишди. «Юлдузимиз» — Максим Шацких жамоасига, айниқса, омадлар тилаб, улардан янги муваффақиятлар кутиб қоламиз.**

## БИРИНЧИ ТАБАҚА

**жамоалари навбатдаги тур ўйинларини ўтказишди:**
**«Машъал» — «Қува» — 4:0,**
**«Шаҳрихон» — «Шўртан» — 2:2,**
**«Косонсой» — «Шўрчи» — 2:3,**
**«Хива» — «Ситора» — 0:0,**
**«Орол» — МҲСК – 1:0,**
**«Ғазалкент» — «Сирғали» — 1:5,**
**«Семурғ» — «Роҳат» — 3:1.**

maydonchasi



# «МУСИҚА» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

***Азиз муштарий! Изоҳлари қуйида таърифланган сўзларни шаклдаги рақамли хонадан «занжир» ҳолида ёзиб машқни ҳал этинг.***

1. «Шарқ тароналари» халқаро фестивали намойишлари бўлиб ўтадиган Самарқанддаги тарихий майдон. (1). 2. Танбур чалишда қўлланиладиган металл мослама. (4). 3. Махтумқули ғазали билан айтиладиган ашулалардан бири. (5). 4. Чертиб чалинадиган сим торли мусиқа асбоби. 5. Беш торли миллий мусиқа асбоби. (2). 6. «Шашмақом» таркибидаги биринчи мақом. (2). 7. Ғижжак чалишда ишлатиладиган мослама. 8. Ўзбек халқ мақоми. 9. Халқ рақс куйларидан бири. (4). 10. Мумтоз, миллий ашула тури. (3). 11. Доира ва қўнғироқ жўрлигида ижро этиладиган бухороча рақс. 12. «Шашмақом» таркибидаги сўнгги мақом номи. 13. Рақс ижросида фойдаланиладиган бир жуфт тош. (5). 14. Қисқа, пардасиз мусиқа асбоби. 15. «Ўн икки мақом» туркумидаги мақом. (5). 16. Куй ижросининг муқаддима қисми. 17. Уриб чалинадиган, гардишли мусиқа асбоби. 18. Қуйидаги энг юқори нота. (1). 19. Ўзбек халқ рақс куйи. 20. Асосан тўй тантаналарида чалинадиган бир жуфт мусиқа асбоби. 21. «Шашмақом»га мансуб куйлардан бири. 22. Алишер Навоий ғазали билан айтиладиган мумтоз ашула. (7). 23. Дунё халқлари қўшиқлари ижрочиси, устоз санъаткор. 24. Торли асбобни чалишда фойдаланиладиган мослама. 25. Баҳор байрамларида ижро этиладиган халқ қўшиғи. 26. Куй ижроси билан санъатини Лондонда намойиш этган таниқли ўзбек доирачиси. (5). 27. Ўрта Осиё санъати тарихини ўрганиб, маълумотлар ёзиб қолдирган таниқли венгер туркшунос-этнографи. (7). 28. Ўзбек замонавий лирик рақсларидан бири. (1). 29. Куй оҳангига мос ҳаракатлар билан ижро этиладиган санъат тури. (4). 30. Ўзбек халқ мақоми. 31. Мумтоз ва халқ ашулаларининг моҳир ижрочиси, хонанда. (1). 32. Машҳур устоз санъаткор, Мукаррама Турғунбоева ижросидаги рақслардан бири. 33. Маъшуқа шаънига айтиладиган қўшиқлар мажмуи. 34. «Шашмақом» таркибидаги бешинчи мақом.

## МУАММОНОМА

Шакл атрофидаги рақамларни сўзлар таърифидан сўнг қавс ичидаги рақам тартибидаги ҳарф билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Ундан мусиқашунос шоир ва бастакор Нажмиддин Кавкабий Бухорий ва мусиқашунос, олим, созанда ҳофиз, бастакор ва шоир Дарвишали Чангий ёзиб қолдирган нодир асарлар номи аён бўлади.

**Фозилжон ОРИПОВ тузди.**


## ЭЪЛОН

*А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти қошида 1999 йил 10 сентябрдан бошлаб, кар болалар ва ёрдамчи мактабларда ишлаётган дефектологик маълумоти бўлмаган ўқитувчилар учун 3 ойлик, мутахассис бўлмаган бошланғич синф ўқитувчилари учун 2 ойлик хўжалик ҳисобидаги қайта тайёрлов курслари очилади. Курсни тугатганларга ўз йўналиши бўйича педагогик фаолиятини давом эттириш учун махсус «Сертификат» берилади.*

Курсга келганлардан қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:
**1. Ўрта-махсус ёки олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси.**
**2. Иш жойидан йўлланма.**
**3. Ректор номига ариза.**
**4. Иш дафтаридан кўчирма.**
Вилоятлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.
**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй.**


1999 yil — Ayollar yili

# ДИЛСЎЗ

**(Ҳикоя)**

**(Боши газетамизнинг 66-сонида)**

Туман халқ таълими бўлими мудири, Дилсўзни хонасига таклиф қилиб:

- Дилсўзхон қизим, сизнинг иш фаолиятингиз ва талабчанлигингизни ҳисобга олиб, бир ойдан бери директорсиз қолган мактабга сизнинг номзодингизни қўймоқчимиз, бу битта менинг фикрим эмас.

Дилсўз: -Менга билдирган ишончларингиз учун катта раҳмат, бу лавозимга мен ҳали бироз ёшлик қилсам керак - деди.

- Дилсўз бугунги куннинг талаби, эски услублардан қочиб, янгиликка интилиб, кўпроқ замонавий фикрлайдиган, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялай оладиган ходимларимизни қўллашимиз лозим. Сиз ҳам шулар жумласига кирасиз, шунинг учун ҳам, биз сизга ишонч билдириб, сиздан ижобий жавоб кутиб қоламиз, - деди уни кузатиб қолар экан. Дилсўз Амриддин ака билан маслаҳатлашди: Амриддин ака:

- Қизим, мен маориф соҳасини унчалик билмасам-да, лекин менинг маслаҳатим шу, рози бўлаверинг, мен қўлимдан келган ёрдамни аямайман, деганининг сабаби, бояқиш шунча қийналди, зора шу ишга овуниб, барча кўнгилсизликларни унутса, деб ўйлади.

Дилсўз Анвар билан учрашиб, маслаҳатлашиб олишга улгуролмади. Воқеа тезлашиб кетди. Навбатдаги текширувдан сўнг, мактаблардан бирининг хато-камчиликларини кенгашга олиб чиққанлиги сабабли, шу мактабнинг директори Дилсўзга қараб:

- Сиз ҳам бизларга ўхшаб, 30 йиллар қойил қилиб ишлаб қўйинг, кейин бошқаларни танқид қиласиз - деб эътироз билдирди. Дилсўз унга бир оғиз ҳам жавоб қилмади, лекин кенгаш тугаганидан кейин туман халқ таълими бўлими мудирининг ёнига кириб:

- Мен мактаб раҳбарлигини қабул қилишга розиман, - деб жаҳл устида ўз зиммасига оғир масъулиятли вазифани олган эди.

* * *

Амриддин ака ҳар галгидек ишдан кейин, севимли набирасини бир кўрай, деб келган эди. Умиджоннинг уйда йўқлигидан хомуш тортди. Лекин унинг гимнастика тўгарагига қатнашаётганини эшитиб қувонди. Бошқа келарман деб хайрлашиб, энди кетмоқчи бўлиб турганида, эшик қўнғироғи жиринглаб қолди.

Уйга бўшашибгина Умид кириб келди ва ерга қараб:

- Опа, сизни устоз чақиряптилар, - деди ва бобосининг кўзига ҳам қарай олмасдан сўрашди-да, тез юриб ваннахонага ўтиб кетди.

Анвар ташқарида уни кутиб турарди.

Дилсўз:

- Сизга нима бўлди, намунча қовоғингизни уйиб олмасангиз, тинчликми ўзи, - деди.

- Буни мендан эмас, ўғлингиздан сўранг, кейинги пайтлар ишим кўпайиб машғулотларга бироз кечикиб қоладиган бўлиб қолдим, мактаб ҳовлисида у бир қизни аямасдан уриб тургани ни устидан чиқиб қолдим.

— Вой-бу, шунга-шунчами, бола деган уришади, ярашади, - деди.

— Дилсўзхон, мен Умиджонни кучсизларни ҳимоя қиладиган, мард инсон бўлишини истайман, - деб Дилсўзга қараб, унинг нимадандир хижолат бўлиб турганлигини сезиб, унга:

— Дилсўзхон мени кечиринг, бемаврид келиб қолдим шекилли, кейинроқ гаплашармиз, менга узр, - деб хайрлашди ва тез-тез юриб кетди. Амриддин ака деразадан ташқарига қараб, Дилсўзнинг ёнида турган йигитга кўзи тушди, «Жуда ҳам истаралик эканми? Амриддин, шу ёшга етиб бир ками одамларнинг орқасидан пойлоқчилик қилишинг қолувди» - деб деразадан узоқлашди ва кетишга ҳозирлик кўра бошлади. Дилсўз билан совуққина хайрлашиб машинага чиқар экан, ҳайдовчисига қараб: Умиднинг устози билан шуғуллангин, - деб қуйди.

Изтироб чекаётган Дилсўз келиб-келиб, шу бугун бўлган воқеани ўйлаб хафа бўлиб кетди. «Наҳот, Умиджоннинг бобосининг кўзи Анваржонга тушган бўлса, нимагадир кўпроқ ўтирадиган одам, ҳатто Умиджон билан ҳам дурустроқ гаплашмасдан чиқиб кетдилар. Йўқ, мен уларнинг кўнгилларини ранжитишга асло ҳаққим йўқ, чунки улар мени ўз қизларидан ҳам ортиқ кўрадилар. Умиджонни гапирмаса ҳам бўлади, ишқилиб бахтимга Умиджон, бобосига ўхшаган мард, оқибатли бўлсин-да. Анваржоннинг муносабатларидан Умиджоннинг тарбиясига нисбатан бефарқ эмаслиги кўриниб турибди, қолаверса, бундан буён Умиджон учун эркак кишининг тарбияси зарурлиги сезилиб қолаяпти. Яхшиямки, дунёда Амриддин ака, Анваржонларга ўхшаган инсонлар бор, бўлмаса қиёмат қойим бўлармиди? - деб қуйди.

**Саид АБДУЛЛАЕВ**

**(Давоми келгуси сонларда)**


# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармонига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 4-сонли «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг умумтаълим фанларини яратиш бўйича қуйида номлари келтирилган фанлар бўйича дарсликлар яратиш учун танлов эълон қилади.

**Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг умумтаълим фанларидан дарсликлар яратиш бўйича конкурс шартлари.**

Ушбу танловда умумтаълим фанлари бўйича яратиладиган дарсликлар асосан бугунги кунда мавжуд бўлган дарсликларнинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда Давлат таълим стандартларига жавоб берадиган, келажак авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга, инсонни инсон сифатида шакллантиришда муҳим ўрин тутадиган, ўқувчини мустаҳкам иродали, маънавий етук, мустақил ижодий фикрлашга ўргатадиган, бугунги кун ўқувчиларининг имкониятлари, қобилиятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда фанлардан чуқур назарий билим олишини таъминлайдиган тарзда ёзилиши лозим.

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:**
**139-13-77, 139-13-42**

**Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг умумтаълим фанларидан яратиладиган дарсликлар рўйхати.**

*1. Давлат тилида иш юритиш.*
*2. Она тили.*
*3. Адабиёт.*
*4. Русский язык.*
*5. Литература.*
*6. Ўзбек тили (рус гуруҳлари учун).*
*7. Рус тили (ўзбек гуруҳлари учун).*
*8. Инглиз тили.*
*9. Немис тили.*
*10. Француз тили.*
*11. Ўзбекистон тарихи.*
*12. Умумий тарих.*
*13. Шахс ва жамият.*
*14. Математика.*
*15. Информатика.*
*16. Физика.*
*17. Астрономия.*
*18. Химия.*
*19. Биология.*
*20. Иқтисодий география.*
*21. Ёшларни чақириққача тайёрлаш.*
*22. Жисмоний тарбия.*

# ИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

**XXI аср ахборот асри бўлади. Унга етук мутахассислар билан қадам қўйиш, албатта, бугунги тажрибали, ижодкор ва фидоий ёшларга бериладиган билимга боғлиқ. Шундай эзгу мақсадли муаллимларни Тошкент компьютер лицейимизга қуйидаги ўқув фанларини ўқитиш учун ишга таклиф этамиз:**

**— физика, математика, инглиз тили ўқитувчилари;**

**— иқтисод ва ЭҲМ фанлари бўйича ўқитувчи-муҳандислар.**

***Манзилимиз: Тошкент ш, Ҳамза тумани, Оқдарё кўчаси, 122-уй, 15, 26, 106-автобусларнинг «Жамила» магазини бекати. Мўлжал «Ёғ-мой комбинати»***
***Тел: 93 - 00 - 09***
***93 - 46 - 53***



Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати:* Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-0641. Тиражи 24.190.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

*«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.*
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 20.00.